



NATIONAL TV SERIES OF THE INDEPENDENCE PERIOD: RESEARCH, PROBLEMS AND SOLUTIONS

Mokhinur O. Akhmetjanova

Researcher

Institute of Art History of the Russian Academy of Sciences

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: television, screen, broadcast, TV series, TV dramaturgy, plot, TV directing.

Abstract: This article examines the formation of national TV series of the independence period, their functional features, artistic imagery, research on the creation of TV series, problems and their solutions.

Received: 02.06.22

Accepted: 04.06.22

Published: 06.06.22

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ МИЛЛИЙ ТЕЛЕСЕРИАЛЛАРИ: ИЗЛАНИШЛАР, МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Моҳинур О. Аҳметжанова

Тадқиқотчи

ЎзРФА Санъатишунослик институти

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: телевидение, экран, эфир, телесериал, теледраматургия, сюжет, телережиссура.

Аннотация: Ушбу мақолада мустақиллик даври миллий телесериалларнинг шаклланиши, функционал хусусиятлари, бадиий образлилик, телесериал яратиш борасидаги изланишлар, муаммолар ва уларнинг ечими масалалари тадқиқ этилган.

НАЦИОНАЛЬНЫЕ ТЕЛЕСЕРИАЛЫ ПЕРИОДА НЕЗАВИСИМОСТИ: ИССЛЕДОВАНИЯ, ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

Моҳинур О. Аҳметжанова

Исследователь

Институт истории искусств Российской академии наук

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: телевидение, экран, передача, телесериал, теледраматургия, сюжет, телережиссура	Аннотация: В данной статье рассматривается становление отечественных телесериалов периода независимости, их функциональные особенности, художественная образность, исследования создания телесериалов, проблемы и пути их решения.
--	---

КИРИШ

XX аср барча соҳалар учун янгиланиш эшикларини очди. Шу жумладан театр ва кино санъатининг синтези сифатида телевидения санъати ҳам дунёга келди. «XX асрнинг 50-йилларига келиб “кинематография асри” якунига етиб, “телевидение асри” бошланди» [1]. Шу аснода телевидениеда ўзига хос тузилмани яратишига зарурат туғилди ва телевизион асарлар дунёга кела бошлади. Телевидениенинг энг сермахсул ва томошабоп тури сифатида кўп қисмли бадий телевизион фильмлар суратга олина бошлади. Бир муддат ўтиб эса телесериаллар катта томошабин аудиториясини эгаллай бошлади. Бу жараён бутун дунё телевидениесида даврий оралиқ асносида юз берди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мустақиллик даврига қадар ўзбек телевидениеси кўп қисмли бадий фильмларни суратга олиш бўйича ўзига хос тажриба мактаби орттириб улгирган эди. Сериал атамаси эса термин сифатида телевидение ва кино санъатига кейинроқ кириб келди. «Сериаллар - умумий белгилар, умумий сюжет турлари ва ягона жанр билан бирлаштирилган мустақил фильмлар» [2]. Шу жумладан, телевизион сериал яратишнинг назарий асослари ҳам босқичма-босқич такомиллаша бошлади. Аслини олганда, бугун биз телесериаллар деб атаётган кўп қисмли бадий телевизион фильмлар ҳақида ўтган асрнинг эллигинчи йилларидан бошлаб тадқиқотлар олиб борилган. Аммо у вақтларда улар «soap opera» («мыльная опера») номи остида ёритилар эди. Бундан кўриниб турибдики, телевизион сериал атамасининг келиб чиқишиёқ, ўзига хос тарихга эга.

Телесериалларнинг катта томошабин аудиториясига эга бўлишининг бир қанча омиллари мавжуд. Биринчи ўринда у телевидение санъатининг маҳсули эканлигини қайд этиш лозим. И.Селезнёва телеасар ҳақида қуйидагича изоҳ беради: «Телевизион томошага бўлган интилиш, телеасарнинг ўзигагина эмас, балки ўша асар билан боғлиқ бўлган ҳаётий координатлар тизимига ҳам йўналтирилган интилишдир» [3]. Телевидение экран санъатининг жуда катта кучга эга бўлган тури сифатида ўзини намоён этиб улгирган. «Телевидениенинг кучи - бу унинг уни на театр, ҳатто, на кинода мавжуд бўлмаган оммавий томошабин аудиториясига эгалигидадир».

Телевизион сериал яратишнинг телевидение ва кино санъатига ёндош, ҳамда алоҳида, фақат ўзигагина хос бўлган параметрлари мавжуд: «телевидениедаги кўп сериялилиқ феномени қуйидагича: ҳикоянинг давом этиши, узлуксизлиги, сюжет блокларининг такрорланиши, маълум ўзига хосликни талаб қилувчи сериалнинг махсус ташкил этилиши, ўзаро кесишувчи персонажларнинг, доимий қаҳрамонларнинг мавжудлиги» [4] телесериалнинг катта экран учун яратилган кино асарларидан ажратиб турувчи энг катта фарқли жиҳатлари сирасига киради.

«Ўзбек телевидениеси учун мўлжалланган кўп қисмли бадиий фильм, бутун мамлакатда ушбу жанрнинг шаклланиши ва ривожланиши билан параллель равишда шаклланиш даврига кирган. Машҳур ўзбек кино ёзувчи ва режиссёрлари кичик экран учун кино ишлаб чиқаришнинг энг яхши намуналарини ўргандилар, телевидениенинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда етакчи киноижодкорларнинг кинематографиянинг янги тармоғининг тасвирий ва ифодали воситаларига ёндашиш тамойилларини қабул қилдилар» [5].

Мустақиллик қўлга киритилгач, барча соҳаларда, хусусан, кино санъатида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Шу жумладан, миллий сериаллар яратиш масаласи ўртага ташланди. Эндиликда барча санъат асарлари маъно-мазмунини ва шакл-шамолйили жиҳатидан ҳам ўзгариши табиий эди. Телесериаллар инсон онгига катта таъсир кўрсатувчи куч экани англашила бораётган бир даврда, ўзбек томошабинлари хориж иждоқкорларининг телесериалларидангина баҳраманд бўлишмоқда эди. Бу орқали аста секин ўзлгимиз ва менталитетимизга ёт бўлган ғоялар аста-секин бўй чўза бошлади. 1995 йилда миллий сериаллар яратиш масаласи ва ниҳоят ўртага ташланди. Ўша даврда телевидениега муҳаррир этиб тайинланган А. Аъзам миллий сериаллар суратга олиш масаласи билан кинодраматург Р.Муҳаммаджонов, режиссёрлар М.Маҳкамов, М.Муҳамедов, ёзувчилар М.Бобоев, Ҳ.Алиев ва Ш.Бошбеков каби иждоқкорларга юзланди. Эндиликда хорижий сериаллардаги ёд унсурлардан ҳоли бўлган, хонадоннинг ҳар бир ёшдаги аъзоси учун мўлжалланган, ўзбекона руҳдаги миллий сериаллар яратиш бош мақсад қилиб олинди.

М.Бобоевнинг «Кўнгил кўчалари» (реж. М.Муҳамедов) миллий сериали шу аснода вужудга келди. «Кўнгил кўчалари» сериали илк кадрлариданоқ ўзбекона колорит билан кўзга ташлансада, сюжетдаги айрим элементларда хорижий телесериалларнинг эпкинни сезилиб турарди. Бу табиий ҳолат бўлиб, биринчидан, кўп қисмли бадиий фильмларни суратга олишдаги тажрибалар бир мунча вақт мобайнида сустлашиб, бу жанрдаги салмоқли асарлар камайиб қолганди. Иккинчидан, ўзбек томошабини бундай бўшлиқ юзага келган даврда хорижий сериаллар билан ўрин тўлдирди. Табиийки, киноижодкорлар ҳам айнан шу

сериаллардан бахраманд бўлишга мажбур бўлганлар. Бу эса келгусида яратиладиган ижод намуналарига ўз таъсирини ўтказмай қолмасди.

Шундан сўнг миллий сериалларни суратга олиш ишлари йўлга туша бошлади. Ш.Бошбековнинг «Чархпалак» сценарийси асосида суратга олинган шу номдаги сериал Ш.Жунайдуллаевнинг ижодкор сифатидаги истеъдодини яна бир бор намоён этди. «Чархпалак» шу пайтгача яратилган телевизион кўп қисмли асарларга мутлақо ўхшамасди. «Чархпалак»ни айрим мутахассислар кўп қисмли бадиий фильм дея таъкидлаган бўлсаларда, у ўзининг тузилиши жиҳатидан айнан телесериал параметрларига тўла мосдир.

Ю.Розиқов режиссёрлигида «Домла» сериали суратга олингач, телесериаллар сони сезиларли даражада ўса бошлади. Телесериаллар телевидениенинг энг асосий ва томошабоп турига айланиши анъанаси ва ниҳоят ўзбек телевидениесида ҳам содир бўлди. Сериаллар сонининг ошиб бориши ҳам айнан томошабин талабидан келиб чиққан ҳолда содир бўлди. Лекин шу билан биргаликда сонни ортиши сифат масаласига салбий таъсир ҳам ўтказа бошлади. Чунки ижодкорлар орасида профессионаллардан ташқари телевидение қонуниятларидан беҳабар бўлганлари ҳам мавжуд эдики, улар яратган телесериаллар сифатли контент яратиш масаласида муаммоларнинг вужудга келишига сабаб бўла бошлади.

Дастлаб назарий асосдаги билимлар етарли бўлмаганлиги асносида келиб чиққан камчиликлар, кейинчалик маънавий жиҳатдан саёзлашиш кўринишида бўй чўза бошлади. Оммавий маданият таъсири кириб бормаган ҳудуд қолмагани каби миллий сериалларга ҳам бу эпкини тегиб ўта бошлади. Аввал бошида сезилар-сезилмас киритиб борилган элементлар бугунга келиб бутун бошли экран асарларини қамраб олмоқда. Бу эса миллий телесериаллар яратиш борасидаги илк қадамлар ташланган кезде илгари сурилган мақсадларга зид келмоқда.

ХУЛОСА

Жаҳонда телесериалларнинг таъсир кучи ва рейтинги ниҳоятда юқорилаб бораётганини ҳисобга олган ҳолда уларни тадқиқ этиш масаласига алоҳида ёндошув талаб этилмоқда. Хусусан, Н.Зоркаянинг «Кўпсерияли фильм дунё эфирида шунчалик кенг майдонга эга бўлдики, кундалик теледастурларда шунчалик кенг ўрин эгалладиди, эндиликда бу фильмлар замонавий инсоннинг вақтини шунчалик «кўп ўғирлайдиган» бўлди. Эндиликда сериаллар масаласини маданий ҳаётимиздаги энг аҳамиятли воқеа сифатида алоҳида ўрганишга тўғри келади» [6] - дея билдирган фикри 46 йил ўтиб ҳам ўз долзарблигини йўқотганича йўқ. Аксинча, бугунги дунёнинг мураккаб ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий ҳолати инсон онгига таъсир ўтказиш масаласида етакчи бўлган санъат асарларига нисбатан катта эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Р.Клер. Размышления о киноискусстве, М., «Искусство», 1958, стр. 142.
2. Зайцева С. А. Жанр телевизионного сериала как культурный текст. Диссертация на соискание ученой степени кандидат философских наук. Москва 2001
3. Селезнёва И. «Режиссёр на ТВ». -М.: «Искусство», 1978.
4. Хайтматова С.А. Становление и развитие телевизионного художественного кино в Узбекистане.
5. Хайтматова С.А. Становление и развитие телевизионного художественного кино в Узбекистане
6. Зоркая Н. Многосерийный телефильм. –М.: Искусство, с.21. 1976.